



Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali “Jamoat salomatligi va umumiy gigiyena” kafedrası mudiri, Ibadulla Qochkarovich Abdullayevning 70 yilligiga bag‘ishlangan “Sog‘liqni saqlash tizimida menejmentning zamonaviy muammolari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2025-yil 20-21 oktabr

ҚУЙИ ОРОЛБЎЙИ ХУДУДЛАРИДА ЯШОВЧИ АЁЛЛАРДА СУТ БЕЗИ МЕТАСТАТИК РАКЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Юлдашев Б.С., Ходжаниязов А.А.

*Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали
Долзарблиғи.*

Сут беzi раки (СБР) аёллар орасида энг кўп учрайдиган хавфли ўсмалардан бири ҳисобланади ва ўсма билан боғлиқ ўлим ҳолатларининг асосий сабаби сифатида қайд этилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сўнгги 10 йилликда СБР билан касалланишнинг ўсиш кўрсаткичи йиллик 1,8% ни ташкил қилган. Аёлларда умр давомида СБР ривожланишининг кумулятив хавфи 5,4% ни ташкил этади. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда СБР ҳолатлари кўпайиб бормокда. Қуйи Оролбўйи худудида экологик муаммолар (Орол денгизи қуриши, сув ва ҳаво ифлосланиши) аҳоли саломатлигига жиддий таъсир кўрсатиб, онкологик касалликларнинг, жумладан сут беzi ўсмаларининг ўсишига сабаб бўлмокда. Бу эса ушбу худуддаги аёлларда СБР метастазлари морфологиясини чуқур ўрганиш зарурлигини белгилайди.

Калит сўзлар: сут беzi раки, метастаз, морфология, иммуногистохимия, HER2, ER, PR, Ki-67, Қуйи Оролбўйи.

Мақсад ва вазифалар.

Қуйи Оролбўйи худудида яшовчи аёлларда сут беzi метастатик ракининг морфологик ва иммуногистокимёвий хусусиятларини ўрганиш.

Вазифалар.

1. Метастатик сут беzi ўсмаларининг морфологик турларини аниқлаш.
2. Уларнинг асосий локализациясини ва тарқалиш хусусиятларини баҳолаш.
3. HER2, ER, PR ва Ki-67 маркерларининг экспрессия даражасини таҳлил қилиш.
4. Морфометрия асосида хужайра ўлчамлари ва митотик фаолликни ўрганиш.
5. Натижаларни халқаро адабиёт маълумотлари билан таққослаш.

Материал ва методлар.

Тадқиқот Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология маркази ҳамда унинг Хоразм вилояти филиалида 2020-2025 йилларда олиб борилди. Жами 214 ҳолат таҳлил қилинди, улардан 50 таси метастатик рақ, 35 таси рецидив шаклларга тўғри келди. Беморларнинг ёши асосан 35–70 йил орасида бўлиб, кўпчилик репродуктив ва перименопаузал даврда эди. Гистологик таҳлил учун материаллар жарроҳлик йўли билан олинди, 10% формалинда мустаҳкамланди, парафин блокларда тайёрланди ва гематоксилин-эозин билан бўялди. Иммуногистокимёвий таҳлилда HER2, ER, PR ва Ki-67 маркерлари қўлланилди. Морфометрия учун Fiji ImageJ дастури орқали хужайра ядролари ва цитоплазма ўлчамлари, митозлар сони ҳисобланди. Статистик таҳлилда SPSS дастури ишлатилди.

Натижалар.

Инвазив дуктал карциномалар барча метастатик ҳолатларнинг асосий қисмини ташкил қилди. Лобуляр шакллар нисбатан камроқ кузатилди. Дуктал карциномаларда йирик ва гиперхром ядролар, десмопластик реакция ва кучли фиброз қайд этилди. Лобуляр шаклларда эса дискохезив хужайралар, 'бир қатор' кўринишида жойлашган хужайралар аниқланди. HER2 экспрессияси 3+ даражада бўлган ҳолатларда ўсма агрессивлиги юқори ва прогноз ёмон бўлгани кузатилди. ER ва PR позитивлиги эса гормонал терапияга ҳассослик билан боғлиқ эканлиги аниқланди. Ki-67 пролифератив индекси юқори ($\geq 60\%$) бўлган ҳолатларда ўсмаларнинг тез ўсиши ва метастазланиш қобилияти юқори бўлди. Жигар ва лимфа тугунларига тарқалган метастазларда хужайра ўлчами 20,0-132,8 мкм оралиғида бўлиб, ўсманинг юқори агрессивлиги тасдиқланди.



Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali “Jamoat salomatligi va umumiy gigiyena” kafedrasi mudiri, Ibadulla Qochkarovich Abdullayevning 70 yilligiga bag‘ishlangan “Sog‘liqni saqlash tizimida menejmentning zamonaviy muammolari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2025-yil 20-21 oktabr

Муҳокама.

Қуйи Оролбўйи ҳудудида аёлларда қайд этилган сут бези метастатик ракиннинг морфологик кўринишлари жаҳон адабиётида берилган маълумотлар билан уйғунликда бўлса-да, айрим ўзига хос жиҳатларга эга. Жумладан, дуктал карциномалар улуши юқори бўлиши, лобуляр шаклларнинг нисбатан камлиги минтақавий экологик ва генетик омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин. HER2 экспрессияси юқори бўлган ҳолатлар улушининг кўплиги прогнозни оғирлаштириши билан аҳамиятли. Бу ҳолатларда мўлжалланган анти-HER2 терапия (трастузумаб) қўлланилиши кераклиги таъкидланади. ER/PR позитив ўсмаларнинг мавжудлиги эса гормонал даво самарадорлигини таъминлайди. Ki-67 юқори кўрсаткичи агрессив ўсмаларда терапия тактикаси танлашда муҳим мезон ҳисобланади.

Хулоса

1. Қуйи Оролбўйи ҳудудида аёлларда сут бези метастатик ракиннинг морфологик таҳлилида дуктал карциномалар устунлик қилди.
2. HER2 экспрессияси юқори бўлган ҳолатларда ўсма агрессивлиги ортиб, прогноз оғирлашади.
3. ER ва PR позитивлиги гормонал терапия имкониятини кўрсатади.
4. Ki-67 индекси ўсма биологиясини баҳолашда муҳим маркер ҳисобланади.
5. Морфологик ва иммуногистохимик таҳлилларни уйғун қўллаш диагностика ва даво тактикасини яхшилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Бабышкина Н.Н. Роль рецептора эпидермального фактора роста ЭГФР в эффективности неоадъювантной химиотерапии у больных тройным негативным раком молочной железы. / Н.Н. Бабышкина, Т.А. Дронова, Е.А. Замбалова, М.В. Завьялова и др. // Бюллетень сибирской медицины. – 2020. – Т.1. – С. 13 – 20.
2. Боженко В.К. Маммоглобин в периферической крови и опухоли при раке молочной железы / В.К. Боженко, Н.В. Харченко, Е.Ф. Васкевич, Е.А. Кудинова и др. // Биомедицинская химия. – 2016. – Т.4. (62) – С. 453 – 457.
3. Божок А.А. Возможности хирургического лечения при диссеминированном раке молочной железы / А.А.Божок, Э.Э.Топузов, В.Ф. Семиглазов, Н.А. Климов, М.Н. Касянова, А.А. Овсяников // Вопросы онкологии. –2013. – Т. 59, Но 3. – С. 320–327.
4. Ганцев Ш.Х. Аксиллярный лимфатический аппарат при раке молочной железы. Атлас. - М.: ООО «Медицинское информационное агентство», 2010.- 143 с.: цв.ил.